

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11049126>

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ

Доцент, **Худойбергенова Патма Тошполатовна**
Тошкент давлат стоматология институти
Ижтимоий фанлар биоэтика курси билан кафедраси
фалсафа фанлар номзоди,
E-mail .fotima.1964@gmail

Махмудалиев Самандар Сирожиддин ўғли
Тошкент Давлат стоматология институти талабаси

Ключ сузлари: сиёсий, иқтисодий, давлатлараро, автомобилсозлик, халқ.
Инвестиция, тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик.

Ўзбекистон Республикаси биринчи навбатда Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда араб мамлакатлари билан давлатлараро муносабатларни ўртаниш ва ривожлантиришга киришди.

1991 йил 16-19 декабр кунлари Ўзбекистон делегацияси Туркияда бўлди. 1992 йил 28 апрелда Ўзбекистонда Туркия элчихонаси очилди. Ўзбекистонда Туркия сармоядорлари иштирокида 200 дан ортиқ қўшма корхоналар барпо этилди. 1996 йил июн ойида Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари ассоциацияси – “Ўзбексаноат”, “Туркиянинг “Кочхолдинг” концерини билан Самарқанд шаҳрида “Самкочавто” ўзбек-турк қўшма корхонасини барпо этиш тўғрисида шартнома туздилар.

1992-йил 27-28 июн кунлари Покистон Ислон Республикаси бош вазири Ўзбекистонга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқаларга асос солди. Хозирги кунга қадар Ўзбекистонда Покистон сармоядорлари иштирокида 120 та қўшма корхона тузилган Табаний, Меркурий, Метро, Лаксан Табако каби 19 та йирик фирма ва крмпаниялар фаолият кўрсатмоқдалар. Ўзбекистондан Покистонга пилла шойи матолар, шиша, виллур эксперт қилинмоқда. Покистон эса тайёр кийимлар пояфзал, чарм буюмлар какао ва шакар келтирмоқда.

1992 йил 24-25- ноябр кунлари Президентимиз Эрон Ислом Жумхуриятига расмий давлат ташрифи Ўзбекистон ва Эрон ўртасида давлатлараро алоқаларга асос солди.

Ўзбекистон Хитой халқ Республикаси билан ҳам иқтисодий маданий алоқалар олиб бормоқда 1992 йил январ ойида Тошкентда Хитой элчихонаси очилди. 2004 йилга келиб ўзаро савдо ҳажми 134 минг АҚШ доллрига етди.

1992-1996-йилларда «ЎЗДЕУ авто» Ўзбекистон-Жанубий Корея кўшма автомобил заводини лойиҳалаштириш, қуриш ишлари амалга оширилди. Завод 1996-йил 25-март куни автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлаб юборилди. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг Корея республикаси билан ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда. 1999-йилга қадар Ўзбекистонга Корейдан 1,2 млрд. АҚШ доллари ҳажмида сармоя кириб келди ва ўзлаштирилди. Ўзбекистонда 70 дан ортиқ Корея ҳамкорлигида барпо этилган кўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1997-йилдаёқ 1 млрд. АҚШ долларида ошди. Япония Ўзбекистоннинг АҚШ билан савдо айланмаси 300 млн. АҚШ доллардан ошди. Ўзбекистоннинг Европа иттифоқи мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва маданий-гуманитар алоқалари йилдан-йилга ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда. Республикамизда Европа Иттифоқига аъзо малакатларнинг 145 фирма ва компанияси ваколотхоналари аккредитация қилинди. Европалик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 491 та корхона ишлапти, улардан 111 таси 100% лик Европа капиталига эга. 1995-2002-йилларда Европа Иттифоқи мамлакатларнинг фирма ва компаниялари республикамизда умумий қиймати қарийб 8 млрд. АҚШ доллрига тенг йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда қатнашди. 2002-йилда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқ мамлакатлари билан маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 65,8 млн. АҚШ доллрини, 2003-йил январ-октябр яқунлари бўйича эса 910, 6 млн. АҚШ доллрини ташкил этди.

2003-йилда республикамизда хорижий сармоя иштирокида барпо этилган 2087 та кўшма корхона жаҳондаги 80 мамлакатдан келган шериклари билан биргаликда фаолият кўрсатди. Улар 386,7 млрд. сўм ҳажмда истеъмол моллари, экспорт учун сифатли товарлар ишлаб чиқарди, аҳолига хизмат кўрсатди. Жаҳондаги 80 дан ортиқ хорижий банк билан ўзаро муносабатлар ўрнатилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон га киритилган чет эл инвестициялари 14 млрд. АҚШ долларида ошди. Бир йилда тахминан 1 млрд. АҚШ доллари ўзлаштирилмоқда. Ўзбекистон жаҳондаги 140 мамлакат билан савдо-сотик қилмоқда. Ҳар йилги товар айирбошлаш ҳажми 6-8 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Илғор мамлакатлар кадрлар тайёрлаш, банк соҳасида ва бошқарувда, ахборот тармоқларини йўлга қўйишда, етакчи

биржалар билан алоқалар ўрнатишда қонунчилик тажрибасини ўрнатишда республикамизга кўмаклашмоқдалар.

Сўнги йилларда Ўзбекистон ички сиёсатида кузатилаётган кенг қамровли ислохотлар, очиқлик ва янгиланишлар, мамлакатнинг ташқи сиёсатида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Жаҳон бўйлаб тарқалган коронавирус инфекцияси ва глобал даражадаги инқирозли хавф-хатарлар даврида ҳам Ўзбекистон мамлакатда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаб, минтақа давлатлари ва жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик алоқаларини давом эттиришга алоҳида этибор қаратди.

Маълумки, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий вазифаларидан бири – ўз худуди атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев кўшниларимиз – Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин кўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни асосий устувор ташқи сиёсий йўналиш сифатида белгилаб берди. 2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури доирасида Ўзбекистон очиқ ва прагматик ташқи сиёсий фаолиятини, жумладан, Марзий Осиё йўналишида ҳам изчил давом эттирди.

Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш борасида 2020 йил давомида ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолият бўйича давлат идораларитомонидан 23 та олий даражада ва 12 та юқори даражада ташриф ва турли тадбирлар амалга оширилди. Бу жараёнда “халқ дипломатияси” амалда жуда фаол бўлгани кузатилди. Хусусан, халқ вакиллари – олимлар ва рассомлар, маданият ва дин арбоблари, ишбилармонлар ва ёшлар, туризм ва спорт ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар иштирокида 90 дан ортиқ турли учрашувлар, анжуманлар, видеоконференциялар ва бошқа шу каби тадбирлар ўтказилди. Қайд этиш жоизки, сўнги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббусларини кўшни давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида Марказий Осиёда сиёсий мулоқот ва ўзаро ишонч мустаҳкамланди, давлат раҳбарларининг Маслаҳатлашув учрашувлари йўлга қўйилди.

Натижада минтақадаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик даражаси янги босқичга кўтарилди. Хусусан, 2017-2019 йиллар давомида Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмаси йиллик ўртача 50 фоиздан кўпроққа ўсиб, 5,2 млрд. долларга етган. 2020 йил натижаларига кўра эса, глобал

пандемия шароитига қарамай, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмасининг умумий ҳажми 5 млрд. долларни ташкил этди. Жумладан, Ўзбекистоннинг умумий ташқи савдо айланмасида Марказий Осиё давлатларининг улуши 2019 йилдаги 12,4% дан, 2020 йилда 13,6 % га ошган. Ўзбекистоннинг минтақадаги умумий ташқи савдо айланмасида эса Қозоғистоннинг улуши 61%, Қирғизистон – 18,2%, Туркменистон – 10,6% ва Тожикистоннинг улуши 10,2% ни ташкил этди. Мавжуд “Марказий Осиё – АҚШ”, “Марказий Осиё – Европа иттифоқи”, “Марказий Осиё – Корея Республикаси”, “Марказий Осиё – Япония” каби мулоқот форматлари қаторига охирги йилларда “Марказий Осиё – Ҳиндистон”, “Марказий Осиё – Хитой” ва “Марказий Осиё – Россия Федерацияси” сингари янги форматлар кўшилди. Мазкур ҳолат, биринчидан, минтақадаги ижобий ўзгаришлар натижасида юзага келган мутлақо янги муҳит дунёнинг етакчи давлатлари томонидан Марказий Осиёга нисбатан эътиборнинг ошганини кўрсатса, иккинчидан, чет эл давлатлари минтақа мамлакатлари билан нафақат икки томонлама ҳамкорлик доирасида, балки ягона минтақавий кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга аҳамият қаратаётганидан далолатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Gapparovna, Sattorova Dildor, and Xudaybergenova Patma Toshpulatovna. "IMPROVING THE QUALITY OF MEDICAL SERVICES IN IMPROVING THE GENE POOL OF THE POPULATION IN OUR COUNTRY." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 9.10 (2021): 138-141.
2. Худойбергенова, Патма Тошпулатовна. "КАЧЕСТВА НЕОБХОДИМЫЕ ДЛЯ ВРАЧЕЙ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ДОВЕРИТЕЛЬНОГО ОТНОШЕНИЯ ПАЦИЕНТА К ВРАЧУ." *Новости образования: исследование в XXI веке* 1.5 (2022): 646-648.
3. Худайбергенова, Патма Ташпулатовна. "ОБРАЗ МАВЛОНО ДЖАЛОЛИДДИНА РУМИ В КОНТЕКСТЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ТРАДИЦИЙ ВОСТОКА И МУСУЛЬМАНСКОЙ БИОЭТИКИ." *Гуманитарный трактат* 33 (2018): 28-30.
4. Умарова, Дилорам Арифовна, and Патма Ташпулатовна Худайбергенова. "РОЛЬ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В РЕШЕНИИ ПРОБЛЕМ ГУМАНИЗАЦИИ МЕДИЦИНЫ." *Гуманитарный трактат* 97 (2020): 25-28.

5. Худойбергенова, П. Т. "ЎЗБЕКОНА ТУРМУШ ТАРЗИДА БЎШ ВАҚТДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ." *Инновационные исследования в современном мире: теория и практика* 2.11 (2023): 51-55.

6. Мухамедова, Замира Мухамеджановна, and Патма Ташпулатовна Худайбергенова. "ОТНОШЕНИЯ ВРАЧ-ПАЦИЕНТ В МЕДИЦИНСКОЙ ЭТИКЕ АЛ РУХАВИ И АЛ РАЗИ." *Гуманитарный трактат* 21 (2018): 35-37.

7. Khudaybergenova, P. T. "UZBEKISTAN: ETHNO CULTURAL IDENTITY AND TOLERANCE UNDER CONDITIONS OF GLOBALIZATION." *Социосфера* 4-2 (2013): 52-54.

8. Худойбергенова, П. Т. "БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРНИНГ ОНГИ ВА ҚАЛБИНИ ЭГАЛЛАШДА ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ КИЛИНАЁТГАН МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАР." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 3.2 (2023): 683-687.